

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ижтимоий-хуқукий медиа
маркази” ННТ директори

Н.Аббосхонова



“Ижтимоий-хуқукий медиа маркази” ННТ томонидан ижтимоий тармокларда хуқукий-
сиёсий тусдаги қўлланмаларни ишлаб чикиш ва татбиқ этиш бўйича

SMM компаниялари томонидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТИ**

III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА **НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлиқ номи: “Ижтимоий-хукукий медиа маркази” ННТ томонидан ижтимоий тармокларда хукукий-сиёсий тусдаги қўлланмаларни татбиқ этиш бўйича SMM хизматларини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: “Ижтимоий-хукукий медиа маркази” ННТ.

1.3. Хизмат кўрсатиш: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Хизматларнинг максимал нархи: ҚҚС билан **341 000 000** (уч юз қирқ бир миллион) сўм.

1.5. Хизмат кўрсатиш муддати: **90 календарь кун ичида**.

1.6. Молиялаштириш манбалари: “Ижтимоий-хукукий медиа маркази” ННТга дастурий вазифаларни амалга ошириш учун ажратилган давлат субсидияси маблағлари хисобидан.

2. Техник талаблар

2.1.1 ИЖТИМОЙ ТАРМОКЛАРДА СИЁСИЙ ТУСДАГИ ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ТАЛАБИ.

2.1. Интернет тармокларда ижтимоий-хукукий тусдаги қўлланмаларни татбиқ этиш ва медиа режа тузиш жараёнида мутахассислар ва буюртмачи ходимлари билан музокара ўтказилиши керак.

2.1.2 Медиа режалар (стратегия) ва ижтимоий тармокларда татбиқ этиладиган қўлланмалар хакида батафсил маълумот (PR-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармокларда маълумотларни етказиб бориши (SMM), ижтимоий тармоклардаги сахифа менеджери, аккаунт-менеджер, маркетолог, линк-менеджер, таргетолог, ижтимоий сахифаларда матн тузиш бўйича, медиапланировщик, SMO-мутахисислиги бўйича техник топширик) берилиши лозим.

2.1.3. Медиа контент ўзбек ва рус тилларида матнини ёзиш.

2.1.4. Буюртмачининг фикр-мулоҳазалари бўйича ижтимоий тармокларда маълумот тузатиш.

2.1.5. Буюртмачи томонидан ижтимоий сахифаларда татбиқ этилувчи маълумотларни тасдиқлаш.

2.2 ИЖТИМОЙ САХИФАНИ ТАТБИҚ ЭТИШ.

2.2.1 Ижтимоий сахифаларда хакконий ва тўлаконли маълумотлар узлуксиз юритилиб борилиши шарт.

2.2.2 Ижтимоий сахифа индивидуал дизайнга эга бўлиши керак.

2.2.3 Ижтимоий сахифалар учун матн тайёрлаш.

2.2.4 Ижтимоий тармокларда мониторинг ишларини олиб бориши.

2.2.5 Қилиниши керак бўлган ишлар учун хисботларни кўрсатиш.

2.2.6. Буюртмачи томонидан берилаётган маълумотлардан ташқари маълумотлар маҳфийлиги таъминлаш.

2.3 ВИДЕО КОНТЕНТЛАРНИ МОНТАЖ ЖАРАЁНИ

2.3.1. Таҳрирланган тасдиқланган скрипта мувофик маълумотлар, 3D анимация, инфографика ва овозли харакатларнинг комбинациясини ўз ичига олади.

2.3.2 Таасиқлаш учун хомаки нусха(исходник) буюртмачига кўрсатилиши керак.

2.3.3. Буюртмачининг шарҳларига кўра, нашр этиладиган матнлар кетма-кўнлигига тегишли бўлиши мумкин бўлган тузатишлар киритилиши керак.

2.3.4. Буюртмачининг шарҳларига кўра, якуний маълумотларни тасдиқлаш ишлари амалга ошириш.

